



MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ


Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqlidir.



Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyqa - الماتريدية - Матуридизм



3/2024

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фахриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.org

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi 4

Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари 17

Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи 25

Abdullo Ghulomov

Маҳмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни 32

Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari 47

Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

ДИНШУНОСЛИК

Jamshid Aliev

Сурия мижаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари 62

Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили 70

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

Zafar Fakhridinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи 83

Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яҳё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти 97

Zohidjon A. ABDULLAYEV,
Senior Research Fellow at the Imam Maturidi
International Scientific Research Center.
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: zahid81aza@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/5

«СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ» АСАРИДА КЕЛГАН АҚИДАГА ОИД ҲАДИСЛАР ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF HADITHS RELATED TO CREED IN THE WORK «SUNAN AL-TIRMIDHI»

АНАЛИЗ ҲАДИСОВ, СВЯЗАННЫХ С ВЕРОВОЧЕНИЕМ, В ПРОИЗВЕДЕНИИ «СУНАН АТ-ТИРМИЗИ»

КИРИШ

Барчамизга маълумки, ушбу диёрдан етишиб чиққан алломалар ислом цивилизациясига ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшганлар. Жумладан, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (824-892) ҳам, ҳадис илмининг етук олимларидан бири бўлиши билан бирга, фикҳ илмида ҳам салмоқли олимлардан бири ҳисобланади (Абу Исо Термизий, 29). У ҳадисларни ривоят қилишидан ташқари «Илм ал-илал» – иллатлар (ҳадисни заиф қилувчи сабаблар) илми тармоғидаги асарлари билан ҳам танилган. Баъзи олимлар Имом Термизийнинг иллатлар билан шуғулланиши ҳамда «жарҳ ва таъдил» соҳасидаги нуфузига кўра, унинг асарлари икки саҳиҳ¹ тўпламлардан кейинги учинчи ўринда туриши керак, деганлар. Қолаверса, «Сунан» асарига киритмоқчи бўлган бирор мавзуга доир саҳиҳ ҳадис топа олмаганида, ҳадис санадларини танқидий таҳлил қилган ҳолда, ровийларнинг қанчалик даражада ишончли эканини қайд этиб, асарга заиф ривоятларни ҳам киритган (Chetrês, 2015 :772-784).

«Сунани Термизий»да келтирилган ҳадислар қайсидир фақиҳ томонидан далил сифатида қабул қилинган ва амалга киритилганига алоҳида эътибор қаратилган (Абу Исо Термизий, 2021:328, 330). Шунга кўра, муаллиф ўзининг мазкур асарида икки (187 ва 1444 рақами остида келтирилган)

¹«Саҳиҳул Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» назарда тутилган.

ҳадисдан ташқари қолган барча ҳадисларга амал қилиниши мумкинлигини таъкидлаган (Chetrês, 2015 :772-784).

Шу эътибордан, ушбу мақолада муаллифнинг илмий шахсияти ва ҳадислардаги синчковлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг «Сунани Термизий» асарида келтирилган ақидага оид баъзи ҳадисларни илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарҳақиқат, мазкур асар асосан, ҳадисга алоқадор ҳукмларнинг далиллари ва илм аҳлининг жузъий масалалардаги ихтилофларини зикр қилиш мавзуларида ёзилган бўлсада, муаллиф асарнинг муносиб ўринларда аҳли сунна вал-жамоа ақидасини ҳам баён этиб ўтган. Шунингдек, аксар ҳолларда, агар қайсидир бобда келтирилган ҳадис ақидавий масалалардан бирини ўз ичига олган бўлса, умматга насихат қилган ва ўтмишдошлар юрган ҳақ йўлни тушунтирган ҳолда ушбу ақидавий масаладаги аҳли сунна вал-жамоа мазҳабини баён этишга киришган (Toriq ibn Ivazulloh, 2000:7).

Бундан ташқари, муаллиф мазкур асарда эътиқодий масалаларни ёритиш учун алоҳида «имон» ва «қадар» каби мавзулар остида бир неча бобларни ҳам келтирганига қарамасдан, бошқа муҳаддис олимлар каби ўз асарида келтирилган ақидавий масалаларга оид ҳадисларни бир китобда жамламаган. Шунга кўра, замонавий олимлардан Абу Муоз Торик ибн Эвазуллоҳ «Сунан ат-Термизий» асарининг турли бобларида турли ўринларида тарқоқ ҳолда келган ақидавий мазмундаги 66 дона ҳадис матнлари ҳамда муаллиф таълиқотларини ўзининг «Ақида аҳли сунна вал-жамā‘а лил-имām ал-хāфиз Аби Исо ат-Термизий» номли китобида жамлаб, барча ҳадисларни мавзусига қараб бобларга тақсимлаган. Сўнгра, баъзи ҳадисларни таҳриж қилиб, изоҳталаб ўринларда муҳаддис олимлар услубига мувофиқ уламоларнинг шарҳларидан келтириб ўтган (Toriq ibn Ivazulloh, 2000:7).

Шунингдек, Саудиялик тадқиқотчилар Др. Фаҳд ибн Сулаймон ибн Иброҳим ал-Фаҳид ва Др. Юсуф ибн Али ат-Тариф томонидан «Дирāса масāил ал-ақида фи «Сунан ат-Термизий» мавзусида магистрлик диссертацияси ёзилган. Шу билан бирга, олимнинг илмий ижоди ва тарихини ўрганиб, унинг биографиясини ёзган

Аннотация. Мақолада Имом Термизийнинг «Сунани Термизий» асарида келтирилган ақидавий ҳадисларнинг илмий таҳлили амалга оширилган. Имом Термизий ҳадис илмининг йирик олимларидан бири ҳисобланади. У ўзининг асарларида ҳадисларни синчковлик билан танлаб, уларнинг саҳиҳ ёки заифлиги ҳақида фикр билдирган ва ҳадисларни шарҳлашда ўз давридаги илмий муҳитни ҳисобга олган. «Сунани Термизий» асосан ҳадислардан ҳукмларни чиқариш ва уларнинг далиллари, шунингдек, илм аҳлининг баъзи масалалардаги ихтилофларини баён қилишга қаратилган бўлса-да, асарда аҳли сунна вал жамоа ақидасини ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Мақолада Термизийнинг ушбу асаридаги «Имон» ва «Қадар» каби боблар таҳлил қилинган бўлиб, асардаги ақидавий масалаларга оид ҳадислар тарқоқ ҳолда келтирилганлиги таъкидланади. Муаллиф ҳар бир ҳадисга нисбатан унинг саҳиҳлиги ёки заифлиги ҳақидаги фикрини билдириб, баъзи ҳолларда уларни танқидий таҳлил қилган. Имом Термизий тафвиз ва таслим услубини қўллаб-қувватлаган, яъни ҳадисларнинг муташобех ибораларини қандай бўлса, шундай қабул қилиш ва уларга таъвил ёки шарҳ киритмасликни афзал кўрган.

Таdqиқотлар шуни кўрсатадики, Имом Термизий ўз асарларида ўтмишдошлар ақидаси ва аҳли ҳадислар йўлини маҳкам тутган. Муаллифнинг ақидавий масалалардаги услуби, унинг устози Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар билан бўлган алоқаси, шунингдек, аббосийлар давридаги «миҳна» даврининг таъсири остида шаклланган. Бу мақолада, шунингдек, Саудиялик таdqиқотчилар томонидан Имом Термизий ҳақида амалга оширилган изланишлар ва унинг ҳадис илмидаги ўрни ҳам таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Сунани Термизий, ҳадис илми, ақида, тафвиз услуби, муташобех ҳадислар, Имом Термизий, ҳадислар шарҳи, аҳли сунна вал жамоа.

Abstract. This article provides an academic analysis of the doctrinal hadiths presented in Imam Tirmidhi's work, *Sunan al-Tirmidhi*. Imam Tirmidhi is recognized as one of the foremost scholars in the field of hadith. In his works, he carefully selected hadiths, provided assessments of their authenticity, and took the scholarly context of his time into consideration when interpreting them. While *Sunan al-Tirmidhi* is primarily devoted to deriving rulings from hadiths, presenting evidences, and discussing scholarly disagreements, it also pays special attention to elucidating the creed of Ahl al-Sunnah wal-Jama'ah.

The article examines the «Faith» and «Predestination» chapters in *Sunan al-Tirmidhi*, highlighting that doctrinal hadiths are presented in a dispersed manner. The author comments on the authenticity of each hadith, at times offering critical analysis. Imam Tirmidhi supported the methods of tafwid (relinquishment of interpretation) and taslim (submission), favoring acceptance of the ambiguous expressions in hadiths as they are, without interpretation or clarification.

Research suggests that Imam Tirmidhi firmly adhered to the creed of the Salaf (pious predecessors) and the methodology of hadith scholars. His approach to doctrinal issues was influenced by his connection with his teacher, Imam Bukhari, and other scholars, as well as by the Abbasid-era miḥna (inquisition). This article also examines the contributions of Saudi researchers to studies on Imam Tirmidhi and his role in the science of hadith.

Keywords: *Sunan al-Tirmidhi*, hadith studies, creed, tafwid method, ambiguous hadiths, Imam Tirmidhi, hadith interpretation, Ahl al-Sunnah wal-Jama'ah.

Аннотация. В статье проводится научный анализ вероученческих хадисов, приведенных в произведении Имама Термизи «Сунан ат-Термизи». Имам Термизи является одним из крупнейших ученых в области хадисоведения. В своих трудах он тщательно отбирал хадисы, высказывая суждения о их достоверности или слабости, при этом учитывал научную атмосферу своего времени при толковании хадисов. «Сунан ат-Термизи» в первую очередь направлен на извлечение юридических норм из хадисов и приведение доказательств, а также на освещение разногласий среди ученых, особое внимание уделено разъяснению доктрины Ахли сунна ва-ль-джамаа.

В статье анализируются главы «Иман» (вера) и «Қадар» (предопределение) из данного произведения, и отмечается, что вероучительные хадисы в нем представлены в разбросанном виде. Автор высказывает свою точку зрения о достоверности или слабости каждого хадиса, в некоторых случаях проводя его критический анализ. Имам Термизи придерживался подхода тафвиз (тафвиз — принцип в исламском богословии, при котором верующие принимают значения неясных или трудных для понимания текстов без их разъяснения) и таслим (таслим — принятие буквального значения), то есть, он предпочитал принимать муташобих (муташобих — термин, обозначающий неопределенные или многозначные выражения в Коране и хадисах) выражения хадисов такими, как они есть, без их толкования или разъяснения.

Исследования показывают, что Имам Термизи в своих произведениях твердо придерживался вероучения прошедших поколений (т.е. первые три поколения мусульман, которые считаются образцом праведной жизни) и пути ахли-хадис (сторонники школы, которые придают основное значение хадисам и следуют за ними в вопросах вероучения и практики). Методология автора в вероучительных вопросах, его связь с учителем Имам Бухари и другими хадисоведами, а также влияние периода «михны» (преследование мутазилитами инакомыслящих) в эпоху Аббасидов сыграли важную роль в формировании его подхода. В статье также анализируются исследования саудовских ученых по Иمامу Термизи и его месту в науке хадисоведения.

Ключевые слова: Сунан ат-Термизи, наука о хадисах, вероучение, метод тафвида, двусмысленные хадисы, Имам Термизи, интерпретация хадисов, Ахли сунна ва-ль-джамаа.

барча тадқиқотчи олимлар у ҳақида бирор оғиз танқидий сўз айтмаган ёки бирор бидъат ишда айбламаган, балки, фақат яхшилик билан тилга олган. У ўзининг «Сунани»да келтирган ҳадисларни кўплаб илм эгалари рад этмасдан ундан нақл қилганлар (Abu Iso Termiziy, 2021:27).

МУҲОКАМА

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай олимнинг фикри ва қарашили, айниқса, эътиқодий масалаларга нисбатан унинг муносабатини ўрганишда, унинг илмий даражаси, тақвоси, мутахассислиги каби жиҳатлари билан бир қаторда унинг яшаб, фаолият юритган даври, истиқомат қилган мамлакатнинг муҳити ва таъсирланган устозларига ҳам эътибор қаратилиши зарурдир. Чунки, руҳиятшунос/психолог олимлар таъкидлаганидек, албатта, инсон ўз атрофидагилардан таъсирланиб, атрофидагиларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бунга эса, ислом тарихидаги ташқи омиллардан таъсирланган кўплаб фикрий жамоаларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бундай жамоалардан солиҳ ўтмишдошлар даври ҳам холи бўлмаган. Жумладан, Имом Тоермизий яшаб ижод қилган даврда пайдо бўлган «мўътазила» тоифаси ҳам, аслида юнон фалсафасидан қаттиқ таъсирлангани қайд этилади. Шунингдек, «муҷассима»², «мушаббиха»³ каби тоифалар ҳам, бошқа диний қарашлардан таъсирланган. Демак, бундан маълум бўладики, ҳар қандай олим ёки мутафаккирнинг илмий, фикрий ривожланиши ва ёзиб қолдирган асарларида у яшаб, ижод қилган давр, истиқомат қилган мамлакат ва атроф-муҳитнинг таъсири каттадир.

Шу нуқтаи назардан Имом Термизий ҳам, аввало ўз илмига амал қиладиган, тақводор, мўмин олим ва шу билан бирга академик шахс ўларок ўз даврини тўғри англаган олимлардан бири бўлган. Чунки, Имом Термизий ва унинг шайхлари Қутайба ибн Саид Сақафий Бағлоний (767-854), Али ибн Ҳужр Марвазий (762-858), Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870) ва бошқа муҳаддис олимлар яшаган давр ўрганиладиган бўлса, улар фаолият юритган даврнинг бошланғич босқичи аббосийлар ҳукмронлигида содир бўлган «меҳна» – «синов» вақтига тўғри келса, асосий босқичи эса, «меҳна»дан кейинги

² Аллоҳга жисм нисбатини берадиганлар

³ Аллоҳ таолони сифатларида махлуққа ўхшатганлар.

ҳадис илмини ўрганишга кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган, ҳадис илми ривожланишининг олтин даврига тўғри келади. Бу даврда эса, бир томондан мўътазилийларнинг сиёсий майдондан чекиниши нақл асосларидан бири бўлган ҳадис илмига қаратилган эътиборни янада орттирган бўлса, иккинчи томондан, ҳадис илмининг ривожланиши билан бирга ҳадиснинг мақсадидан кўра матнига, яъни, лафзига бўлган эътибор ҳам кучайган. Натижада мантиқий ва ақлий илмларда турғунлик юзага келиб, баъзи масалаларга мантиқий ечим айтилганида қабул қилмаслик, ўз мавқеида кескин туриб олиш, мутаассиблик ҳолатлари кузатила бошлаган. Бу ҳам аслида, уларнинг наздида диний матнларни ҳимоя қилишдаги жонбозликнинг бир кўриниши эди. Аммо, бунинг ортидан ҳадис илми мутахассисларининг ўртасида баъзи масалаларда зиддиятлар пайдо бўлган. Бунга Муҳаммад ибн Яхё Зухлий (788–871) ҳамда Имом Бухорий ўртасида кечган Аллоҳнинг калом сифати хусусидаги баҳс-мунозараларни мисол қилиш мумкин. Бу тушунмовчиликнинг сабаби Имом Бухорий ўзининг «Халқ афъол ал-ибод» асарида зикр қилган: «Ўқувчининг Қуръонни талаффуз қилиши махлуқдир», деган сўзи эди. Дикқат-эътибор билан ўрганилса, Имом Бухорийнинг айтган иборасида ноаниқлик йўқ. Чунки, Имом Бухорий илм аҳлининг одатига кўра, мазмун ҳамда маънодан иборат, азалий ва қадимий сифат билан мазмунга далолат этувчи, кейин пайдо бўлиб, яралмиш нарса ўртасини ажратган холос. Лекин, Имом Бухорийнинг мазкур иборани айтган вақти давр нуқтаи назаридан мўътазилийлар даврига яқин бўлгани сабабли, Муҳаммад ибн Яхё Зухлий каби баъзи муҳаддислар бу маънодаги ибораларга кескин муносабатда бўлишган. Шунга кўра, Бухорий ва Зухлий ўртасида келиб чиққан зиддият сабабли Имом Бухорий умрининг сўнги йилларида оғир синовга дучор бўлиб, дастлаб Нишопурдан кейин эса, Муҳаммад ибн Яхё Зухлийнинг Бухоро амири Холид ибн Аҳмад Зухлийга ёзган мактуби туфайли Бухоро шахридан ҳам чиқиб кетишга мажбур бўлган (Mina Zaytun, 2019). Имом Бухорий мазкур ҳолатларни изоҳлаб ўзининг «Халқ афъол ал-ибод» асарида: «Баъзилар талаффузимиздаги Қуръон ва уни талаффуз қилишимиз иккиси бир нарса, яъни, тиловат қилиш – бу тиловат қилинган нарса, қироат қилиш – бу қироат қилинган нарса, деб ўйлабдилар» (Imom Buxoriy, 1990:100), деган.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Имом Термизий ҳам, ўз даврининг илмий, ижтимоий қолаверса, сиёсий муҳитларини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб ақлий далилларни четлаб ўтиб, фақат нақлий далиллар билан кифояланишга ва бу билан у ўзини мўътазилийликда айбланишдан ҳимоя қилишга ҳаракат қилган, деган фикр ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас. Зеро, у устози Имом Бухорий билан бўлиб ўтган воқеалардан хабардор эди.

НАТИЖА

Имом Термизий ўзининг «Сунан» асарини бир қатор эътиқодий масалалар билан бойитган бўлиб, унда аҳли ҳадислар мазҳабидаги тафвиш услубини лозим тутган. Буни эса, Аллоҳ таолонинг сифатлари хусусида олим ривоят қилган айрим ҳадисларни ва уларга изоҳ сифатида ёзган мусанниф таълиқларини ўрганиш асносида билиб олиш мумкин:

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Аллоҳ садақани қабул этиб, уни ўнгига олгайдир. Сўнг уни ҳар бирингиз учун улғайтиради. Худди ҳар бирингиз ўз тойчоғини боқиб улғайтиргани каби! Ҳатто, бир лукма, шубҳасиз, бамисоли Уҳуд (тоғи)дек бўлур. Бунинг тасдиғи Аллоҳ азза ва жалланинг китобида шундай келади: «Улар Аллоҳнинг бандалари томонидан (қилинадиган) тавбани қабул этишини, садақаларни олишини ... билишмаганмиди?!» (Тавба сураси, 104-оят), ва «Аллоҳ судхўрликни (фойдасини) йўқ қилади ва садақа (берувчиларга бойлик)ларни зиёда этади» (Бақара сураси, 276-оят)».

Имом Термизий мазкур ҳадис ҳақида «Бу ҳадис «ҳасан-саҳиҳ» бўлиб, бу хусусда, Оиша (розияллоҳу анҳо) орқали Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан шунга ўхшаш (ҳадис) ривоят қилинган», деганидан сўнг ҳадисни изоҳлаб шундай дейди: «Ушбу ҳадис ва шунга ўхшаш сифатлар ҳақида ҳамда Аллоҳ таълонинг ҳар кеча дунё осмонига тушиши ҳақида келган ривоятлар ҳақида бирдан ортиқ илм эгалари (яъни муҳаддислар): «Бу турдаги ривоятлар собит бўлиши мумкин. Уларга иймон келтирилади, ваҳм (тахмин ва таъвил) қилинмайди ва «Қандай?», дейилмайди», деганлар. Шунингдек, Молик ибн Анас, Суфён ибн Уяйна ва Абдуллоҳ ибн Муборакдан ривоят қилинишича улар бу турдаги

ҳадислар ҳақида: «У (ҳадис)лардан «кайфият»сиз ҳолда (ўқиб) ўтинлар», деганлар», дейди. Сўнгра, «Аҳли сунна вал-жамоа мазҳабидаги илм аҳллариининг сўзи ана шундай», деган (Toriq ibn Ivazulloh, 2000:78, 79, 80).

Мазкур ҳадисга эътибор қилинадиган бўлса, унда келган муташобеҳ иборалар фақат оят билан шарҳлангани ҳамда оят ва ҳадисда келган маънолардан ташқарига чиқилмаганига гувоҳ бўлинади. Шу билан бирга, бундай ибораларга чуқур киришмасдан ёки таъвил қилмасдан қандай бўлса шундай имон келтириш ва бу «қандай» бўлади, деган саволни ўртага ташламасдан, борича қабул қилишга тарғиб қилинган. Сўнгра, «бунга аҳли сунна вал-жамоа иттифоқ қилган», демасдан, балки, «бу аҳли сунна вал-жамоадан бўлган бир қанча илм аҳллариининг сўзидир», деган. Бундан эса, аҳли суннаниннг ҳаммаси эмас, балки баъзиси тушунилади.

Шунингдек, яна Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ва «Аллоҳ қиёмат кунда одамларни текис кенг бир жойга жамлайди. Сўнгра, оламлар Парвардигори уларга қарайди...», деб бошланган узун ҳадисни келтиргандан сўнг муаллиф шундай деган: «Ушбу ҳадис – «ҳасан-саҳиҳ». Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу турдаги кўплаб ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, уларда «рўъё» яъни бандалар ўз Парвардигорларини кўришлари ва шунга ўхшаш нарсалар зикр қилинган. Ушбу масалада улуғ имомлар Суфён Саврий, Молик ибн Анас, Абдуллоҳ ибн Муборак, Ибн Уяйна, Вакий ибн Жарроҳ ва улардан бошқа илм аҳлининг наздидаги ёндошув шуки, улар шу нарсаларни ривоят қилганларидан сўнг шундай деганлар: «Ушбу ҳадислар ривоят қилинади ва биз уларга имон келтирамиз, бироқ, «қандай?», дейилмайди. Мана шу аҳли ҳадислар (муҳаддислар) танлаган (йўлдир). Яъни, ушбу нарсалар қандай келган бўлса, шундай ривоят қилинади ва уларга имон келтирилади, тафсир ва таъвил қилинмайди, шунингдек, «қандай?», дейилмайди ва бу илм аҳли танлаган ва тасдиқлаган ишдир» (Muborakfuriy, 1934:1967, 1968), деган.

Имом Термизийнинг мазкур ҳадисга ёзган таълиқидан ҳам кўриниб турибдики, гарчи у ўз асарида келтирган баъзи ҳадисларни изоҳлашга ҳаракат қилган бўлсада, изоҳларида ҳам, хусусан, эътиқодий масалаларда аҳли ҳадислар яъни,

муҳаддислар йўли бўлган «тафвиз» ва «таслим» услубини маҳкам тутган. Чунки, бу унинг ўз даври ва ўз муҳити учун муносиб услуб бўлган.

ХУЛОСА

Олиб борилган изланишлар натижасига кўра, Имом Термизий ўтмишдошларнинг ақида йўли ва ҳадис аҳлининг тафвиз услубидаги ақида соҳиби бўлгани аниқлашади. Олим ҳаёти давомида ва барча таълиф этган асарларида ушбу услубдан четламаган.

Имом Термизий асарларида, айниқса «Сунани Термизий»да, у эътиқодий масалаларни нақлий далиллар орқали баён этишга алоҳида эътибор қаратган. Муаллиф муташобеҳ оят ва ҳадисларни таъвил қилмасдан, уларни ўтганлар қандай қабул қилган бўлса, шундайлигича қабул қилишга даъват этган. Бу билан у ўз давридаги фикрий ҳаракатлар ва ихтилофлардан ҳадис илмини муҳофаза қилишга интиланган.

Шунингдек, Имом Термизий ўз асарларида аҳли сунна вал жамоа ақидасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. У самимият билан, ҳақ йўлни тушунтиришда жонбозлик кўрсатган олим сифатида, фикҳнинг хилоф тармоғи ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Унинг илмий мероси ва услуби ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ислом илмларини ўрганувчи тадқиқотчилар учун қимматли манба ҳисобланади. Имом Термизийнинг ақидага оид қарашлари ва ҳадисларга бўлган муносабати замонавий ҳадисшунослар учун намуна бўлиб, ислом илмларини янада чуқурроқ ва асосли ўрганишга рағбатлантиради.

Шундай қилиб, Имом Термизийнинг илмга бўлган садоқати, ақидавий масалалардаги эҳтиёткорлиги ва мустаҳкам илми уни ислом оламида улкан шахсиятлардан бирига айлантди. Унинг асарлари ва илмий мероси уммат учун маънавий бойлик бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мансур, А. (2022). Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири. Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази.
2. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий. (н.д.). Сунан ат-Термизий ва хува ал-жомеъ ал-кабир. Қоҳира: Дор ат-таъсил.
3. Chetrès, R. (2015). Ebû İsa Et-Tirmizî'nin Sünen'indeki Kitâbü'lîmân bölümünde yer alan rivâyetlerin

kelâm sistemi açısından değerlendirilmesi. Kelâm Araştırmaları Dergisi, 13(2).

4. Абу Исо Термизий. (2021). Сунани Термизий шарҳи (Шарҳлаб нашрга тайёрловчилар: Аминов Ҳамидуллоҳ ва бошқ.). Тошкент: Ирфон нашр.
5. Торик ибн Ивазуллоҳ. (2000). Ақидату аҳли сунна вал-жамоа лил-имам ал-хофиз Аби Исо ат-Термизий. Риёз: Дор ал-ватан лин-нашр.
6. Зайтун, М. (2019, август 2). دراسات وبحوث. <https://www.almothaqaf.com/> (мувожаат санаси: 2021 йил 20 декабрь).
7. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (1990). Халқ афъол ал-ибод вар-рад алал-жаҳмия ва асҳоб ат-таътил. Байрут: Муассаса ар-рисола.
8. Абул-Ало Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим ал-Муборакфурий. (1934). Тухфатул-аҳвазий шарҳу жамийъ ат-Термизий. Иордания: Байт ал-афкор ад-давлия.

REFERENCES

1. Abdulaziz Mansur. (2022). Qur'oni Karim: Translation and Commentary of Meanings. Samarkand: Imam Bukhari International Research Center.
2. al-Tirmidhi, Abu Isa Muhammad ibn Isa. Sunan at-Tirmidhi wa Huwa al-Jami' al-Kabir. Cairo: Dar at-Ta'sil.
3. Chetrès, R. (2015). Chetrès, R. (2015). Ebû İsa Et-Tirmizî'nin Sünen'indeki Kitâbü'lîmân bölümünde yer alan rivâyetlerin kelâm sistemi açısından değerlendirilmesi. Journal of Kalam Studies, 13(2).
4. Imam al-Tirmidhi, A. I. (2021). Sunani Termiziy sharhi (Edited and prepared by Aminov Hamidulloh et al.). Tashkent: Irfon Publishing.
5. Tariq ibn Iwazullah. (2000). Aqidat Ahl al-Sunnah wa-l-Jama'ah by Imam al-Hafiz Abu Isa al-Tirmidhi. Riyadh: Dar al-Watan lil-Nashr.
6. Zaytun, M. (2019, August 2). Studies and Research. Almothaqaf. Retrieved from <https://www.almothaqaf.com/> (Access date: 20.12.2021).
7. Imam al-Bukhari. (1990). Khalq Af'al al-Ibad wa-Radd 'Ala al-Jahmiyyah wa-Ashab at-Ta'til. Beirut: Mu'assasa ar-Risala.
8. Mubarakfuri. (1934). Tuhfat al-Ahwazi: Commentary on Jami' at-Tirmidhi. Jordan: Bayt al-Afkar ad-Dawliya.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Фуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ кўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.




IMOM MOTURIDIY


XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI


INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER


المركز الدولي للبحوث العلمية


Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

 www.maturidijournal.uz

 +998971 244-35-36

 www.moturidiy.uz

   @moturidiyuz

 info@moturidiy.uz